# Мавзу:Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати. Унинг структуравий тузилиши, тузилмалар мажбуриятлари ва вазифалари.

Режа:

1. МДХ ходимининг  вазифаси.
2. Смена хизматини ташкил килиш
3. Ёнгин хавфсизлиги кисми смена бошлигининг хизмат мажбурияти  ва бошка мансабдор шахслар мажбуриятилари.
4. Ёнгин хавфсизлиги кисми шахсий таркибини жойлаштириш тартиби.
5. Ёнгинларни тахлил килиш

- МДХ диспетчери ёнгин хавфсизлиги гарнизони бошлигига ва тезкор навбатчига, алока воситаларини ишлатиш ва уларга техник хизмат курсатиш масалалари буйича эса МДХ бошлиги (алока воситалари буйича катта омилкор)га буйсунади.
- МДХ диспетчери:
- -гарнизондаги вазиятни, ёнгин хавфсизлиги кисмларининг чикиш туманларини, ёнгин учириш таянч масканларини, юкори чакирикка киритилган ута мухдм корхоналарни, сувсиз худудларни, гарнизон техник куролларини ва уларнинг тактик имкониятларини, ёнгин учирувчи моддалар сакланадиган жойларни хамда гарнизон булинмаларини каерда жойлашганлигини билиши;
- -гарнизон алока воситаларини, ёзиб олувчи ва маълумот асбобларини назорат килиши хамда улардан фойдаланиш тартибини билиши;

- -МДХ (КДХ) журналини шахсан олиб бориши (4-илова), журналнинг тулдирилиб борилишини назорат килиши, ёнгинга карши носоз сув тармокларини, кучаларни, тор кучаларни, бузилган алока воситалари руйхатини хисобга олиши ва радиоалока журналини тулдирилишини назорат килиши;
- -ёнгин ва табиий офат юз берганлиги хдкидаги хабарларни кабул килиб олишни таъминлаши, хабарларни текшириш хамда ёзиб олиб уларни аниклаш учун магнитофондан фойдаланиши;
- -ёнгин ва табиий офат юз берган жойларга гарнизон ёнгин хавфсизлиги кисмларини чикиш жадвали асосида хамда ёнгин учириш рахбари, тезкор навбатчи ва МДХ бошлигининг буйругига кура ёнгин учириш булинмаларини юбориши;

- агарда ёнгин содир булган корхонага юкори чакирик назарда тутилган булса, ёнгиндаги холатга караб кушимча куч ва воситалар юбориши;

- ЁХХ билан биргаликда харакат килувчи хизматлар билан алока боглаб туриши, агарда зарурият тугилса, ушбу хизмат ходимларини ёнгин (табиий офат) содир булган жойларга белгиланган тартибда юбориши;

- ЁХХ булинмалари ишлаётган жойдаги вазият хакида хабар олиб туриш учун зарур булган барча чораларни куриши;

- керакли хизматлар оркали ёнгин содир булган корхонадаги вазиятни, газ таркалиш даражасини, радиация холатини аниклаши ва кушимча маълумотлар олганида уларни зудлик билан ёнгин учириш рахбарига хабар килиши;

- ёнгинга карши холат узгарганлиги хакида хабар олинганда, гарнизон тезкор навбатчисига хабар бериши;

- навбатчи сменалар юкори чакирик билан ёнгин учиришга чиккан булсалар, гарнизонда урнатилган тартиб асосида ёнгин хавфсизлиги булинмаларини вактинча кайтадан жойлаштириши;

- радиоалока урнатиш коидаларига риоя килиши ва назорат килиши;

- вакти-вакти билан (бир кунда камида 2 марта) КДХ, шахарнинг навбатчи хизматчилари билан телефон ва радиоалокани текшириб туриши, шунингдек алока тармокларидаги соатларнинг бир-бирига мос юришини текшириб куриши лозим.

- **Смена хизмати. Смена хизматини ташкил килиш.**
- Смена (коровул) хизмати - ёнгин хавфсизлиги булинмалари навбатчисменалари томонидан олиб борилади хамда шахсий таркибдан жанговарсвазифаларни аник бажаришни, сергакликни, жасурликни ва ташаббускорликни талаб килади.
- ***Смена хизматининг вазифалари куйидагилардан иборат:***
- -навбатчи сменаларни ёнгин учиришга, одамларни куткаришга, фалокат,
- табиий офат содир булганда шахар (корхона)нинг керакли навбатчи хизмати
- ходимларига ёрдам беришга доимий тайёргарлигини таъминлаш;

- -ёнгинга карши сув тармокларини, алока воситаларининг яхши ишлашини ва кучаларнинг холатини назорат килиш;
- -мухофаза килинаётган масканларнинг ёнгинга карши холатини навбатчилик давомида назорат килишни таъминлаш.
- Харбийлаштирилган ёнгин хавфеизлиги кисмларида навбатчилик хизмати уч сменада, касбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги кисмларида эса турт сменада амалга оширилади. Хар кайси смена навбатчилиги 24 соат давом этади.
- Смена жанговар хисобига бемор ва иш жойида алохида тайёргарликдан утмаган шахсларни киритиш ман этилади.
- Смена шахеий таркиби жанговар кийим, асбоб-анжом ва химояловчи газникоб билан таъминланиши керак. Жанговар кийим ва асбоб-анжомлар хдр бир ёнгин учирувчига бириктирилган булиши ва буй-бастига караб тайинланган булиши лозим.

- Носоз ёнгин учириш автомобиллари ва ёнгин учириш куроллари куйидаги тартибда зудлик билан алмаштирилади:
- -захирада ёнгин учириш техникаси булса, туман (шахар) ёнгин хавфсизлиги булими бошлиги буйругига асосан алмаштирилади, захирада техника булмаса, ёнгин хавфсизлиги гарнизони бошлиги буйругига асосан алмаштирилади;
- -ёнгин учириш куроллари смена бошлигининг буйругига асосан алмаштирилади ва кисм бошлигига ахборот берилади.
- Ёнгин учириш автомобилига 1-2-техник хизмат курсатишда автомобил жанговар хисобдан чикарилади ва захирадаги автомобил жанговар хисобга куйилади. Ёнгин учириш автомобилларига техник хизмат курсатиш учун жанговар хисобга куйиш тартиби жойлардаги шароитга караб гарнизон бошлиги томонидан белгиланади. Жанговар хисобда турган техника сонини штатда эълон килингандан камайтириш такикланади.

- Ёнгин хавфсизлиги кисми навбатчи сменасининг асосий лавозимли шахслари куйидагилар хисобланади:
- -смена бошлиги;
- -кисм диспетчерлик хизмати диспетчери (радиоалокачиси);
- -экипаж командири;
- -ёнгин учириш автомобили хайдовчиси;
- -катта ёнгин учирувчи, ёнгин учирувчи.
- Ёнгин хавфсизлиги кисми жанговар хдеобида турган ёнгин учириш техникасининг турига ва штатига караб смена таркибига мансабдор шахслар кириши мумкин. Уларнинг хизмат вазифалари кисм бошлиги томонидан ишлаб чикилади.

- **Ёнгин хавфсизлиги кисми смена бошлигининг хизмат мажбурияти**
- Смена бошлиги ёнгин хавфсизлиги кисми бошлигига буйсунади. У смена шахсий таркибининг бошлиги хисобланади.
- ***Смена бошлиги куйидагиларга жавобгардир;***
- -ёнгин хавфсизлиги сменасининг доимий жанговар тайёрлиги ва хизматни яхши олиб боришига;
- -унга буйсунадиган шахеий таркибни жанговар ва хизмат тайёргарлигига, тартиб-интизомли булишига ва рухий-ахлокий холатига;
- -ёнгин учириш автомобилларини ва ёнгин учириш куролларининг яхши сакланишига, созлигига;
- -шахсий таркибнинг техника ва ёнгин хавфсизлиги коидаларига риоя килишларига;
- -шахсий таркиб томонидан кун тартибига риоя килинишига ва смена хизматида тартиб-интизом булишига.

- Смена бошлиги:

- -шахсий таркибининг ишчанлик хамда рухий-ахлокий кобилиятларини билиши ва тарбия ишларини олиб бориши;
- -смена шахсий таркиби билан жанговар ва хизмат тайёргарлиги машгулотлари утказиши ва экипаж командирларининг машгулот ургатаётганликларини кузатиб бориши;
- -ёнгин хавфсизлиги кисмининг чикиш туманларини, мухим ва ёнгин чикиш хавфи булган масканларнинг жойлашган урнини, биноларнинг тузилиш хусусиятларини, мухофаза килинаётган туманнинг сув таъминотини ва утиш
- йулларини, ёнгин хавфсизлиги гарнизонидаги ёнгин учириш автомобилларига оид тактик-техник маълумотларни билиши;

- -смена шахсий таркибининг сафга тизилиш малакасини, белгиланган кийим турини кийиш коидаларини бажарилишини ва кийим-кечак хамда куролларнинг мос танланганлигини катьий кузатиб бориши;
- -навбатчиликни кабул килиб олаётганида мухофаза килинаётган тумандаги шароит билан танишиб чикиши, шунингдек ёнгин хавфсизлиги кисмининг бошлигидан туманни мухофаза килишга дойр кушимча тадбирлар тугрисида курсатмалар олиши;
- -навбатчилик вактида мавжуд шароитга караб, туманни ёнгиндан мухофаза килишда кучайтирувчи кушимча тадбирлар ишлаб чикиши ва уларни амалга ошириши, сокчилар, кузатувчилар ва бошка шахслардан туман (маскан)да ёнгин чикиш хавфи булган шароит вужудга келганлиги хакида хабар келса, ёнгин хавфсизлиги холати бузилиш окибатини бартараф килиш тадбирларини куриши ва
- зарур булса, ёнгин хавфсизлиги кисми бошлигига хабар килиши;

- -тун пайтида, дам олиш ва байрам кунларида кушимча йуналишлар буйичасменалар шахсий таркибидан маълум топширик билан кузатувчилар юбориб, мухофаза килинаётган масканларнинг ёнгинга карши холатини назорат килишни кучайтириши;
- -шахсан (экипаж командирлари оркали) сокчилар, кузатувчилар, ёнгиннинг олдини олиш ишлари назоратчилари ва ички навбатчиликда ишлайдиган шахслар
- хизматини кандай утаётганликларини текшириб туриши, барча смена таркибининг хизмат вазифаларини тугри, аник бажаришларини доимо кузатиб бориши;
- -ёнгин хавфсизлиги кисми мухофаза килаётган маскандаги энг мухим цехлар, курилмалар, лабораториялар, омборлар ва биноларни иш кунининг охирида уларни ёпишдан олдин яхшилаб куздан кечиришларини ташкил этиши ва назорат килиши;

- -ёнгин учириш автомобиллари, техник куроллари, асбоб анжомлари, сув
- хавзалари, бинолар ва сув манбаларига утиш йулларининг доимо коникарли
- булишини кузатиб туриши;
- -шахсий таркибни сокчиликка, кузатувчиликка уз вактида юбориб туриши,
- бунда уларга йул-йуриклар курсатиши хамда уларнинг уз вазифаларини канчалик
- билишларини текшириб туриши;
- -ёнгин учиришга ва табиий офат юз берган жойга сменага бошчилик килиб
- бориши (ёнгин учириш ва табиий офат окибатларини бартараф килишда смена
- шахсий таркибининг факат бир кисми борадиган булса, гарнизон бошлиги
- томонидан олдиндан белгиланган тартибда смена бошлиги кисмда колиши
- мумкин);
- -ёнгин хавфсизлиги кисмида мавжуд булган алока воситалари, техник
- куроллар ва асбоб-анжомлар билан ишлашни билиши;

- -мухофаза килинаётган масканда телефон алокаси ишдан чикса, кушимча кузатувчилар юбориб ёнгин хавфсизлиги назоратини кучайтириши, цех бошликлари ва кунгилли ёнгин учирувчилар аъзоларининг ёнгин хавфсизлигига риоя килинишини назорат килиб туришларини корхона маъмуриятидан талаб килиши;
- -тунги пайтда фаолият курсатадиган болалар муассасалари, даволаш масканларида одамлар борлиги хакидаги маълумот йигишни назорат килиши;
- -ёнгинга карши сув таъминотини созлигини текшириш ва урганиш ишларини ташкил килиши;
- -фукаро мухофазаси хабарлаш белгиларини билиши ва улар хакида хабар олинганда аник харакат килиши;
- -тасодифан касал булиб колган такдирда зудлик билан бу хакда кисм бошлигига ёки гарнизон буйича тезкор навбатчига хабар бериши ва уларнинг курсатмаси буйича иш куриши лозим.

- ***Кисм диспетчерлик хизмати диспетчерининг хизмат мажбурияти.***
- ***Экипаж командирининг хизмат мажбурияти***
- ***Ёнгин учириш автомобили хайдовчисининг хизмат мажбурияти***
- ***Катта ёнгин учирувчининг хизмат мажбурияти.***
- ***Ёнгин хавфсизлиги кисми шахсий таркибини жойлаштириш тартиби***
- Ёнгин хавфсизлиги кисмининг шахсий таркиби одатда ёнгин хавфсизлиги кисмидаги ётокхоналарда ёки кием атрофидаги уйларда яшашлари керак.
- Навбатчи смена учун ёнгин хавфсизлиги кисмида куйидаги хоналар булишизарур:

- -ёнгин учириш автотехникаси учун гараж;
- -шахсий таркибни тунда дам олишлари учун зарур буюмлар билан жихозланган хона;
- -касб махоратини ошириш учун керакли кургазмали куроллар билан жихозланган маърифат ва жанговар тайёргарлик укув хонаси;
- -кийимларни ювиш ва куритиш хонаси;
- -ошхона, агар овкат пишириладиган козонлар йук булса, овкатни иситиш ва овкатланиш учун керакли асбоблар урнатилган хона;
- -ёнгин учириш автомобилларига техник хизмат курсатиш жойи;
- -ювиниш (душ) хонаси;
- -ёнгин учириш енгларини саклаш, ювиш ва куритиш хонаси;
- -захирадаги кийим-бошларни, ёнгин учириш техник воситаларни, ёнилги- мойлаш материаллари ва бошкаларни саклаш хонаси;

- -спорт иншоотлари (хоналари) ва спорт шахарчаси (майдони), укув минораси ва тусиклардан иборат 100 метрлик йулак, иссик тутунхона, шахсий таркибни рухий тайёрлаш йулаги;
- -устки ва жанговар кийимлар сакланадиган алохида жавонлар ёки алохида хона;
- -смена бошлиги учун дам олиш хонаси ва телефон урнатилган хона;
- -алока воситалари, зарур жихозлар ва буюмлар куйилган кием диспетчерлик хизмати хонаси ва диспетчернинг дам олиш хонаси;
- -химояловчи газникобларни саклаш, таъмирлаш, текшириш ва кислород хам да хаво баллонларини кайта тулдириш хонаси.
- Хамма хизмат хоналарига тартиб ракамлари ёзилган булиши ва жихозлар руйхати булиши керак.

- Навбатчи сменада вактнииг таксимланиши ва кун тартиби
- Навбатчи сменанинг навбатчилик алмашиш тартиби.
- Навбатчи смена ички хизмати.
- ЁХК навбатчи сменасининг хавф белгиси пайтида харакатланиш тартиби.
- Навбатчи сменанинг хизмат хужжатлари.
- Навбатчи смена хонасига каратилган хавфсизлик техникаси талаблари.
- Автомобиллар сакланадиган жой (гараж)га каратилган хавфсизлик техникаси талаблари.

- **Ёнгинларни тахлил килиш учун уларни асосий**
- **гурухларга булиниши.**
- ***Худудлар буйича:***
- - шахарлар;
- - туман марказлари;
- - кишлок жойлари;
- ***Енгин содир этилган вакт буйича:***
- - сутка соатлари;
- - хафта кунлари;
- - ойлар;
- - кварталлар;
- - йиллар

- ***Келиб чиқиш сабаблари буйича***
- - олов билан эхтиётсизликда муомала килиш;
- - болаларнинг шухлиги;
- - электр ускуналари;
- - иситиш приборлари
- - касддан ут куйиш ва бошкалар;
- - олов билан эхтиётсизликда муомала килиш;
- - болаларнинг шухлиги;
- - электр ускуналари;
- - иситиш приборлари
- касддан ут куйиш ва бошкалар

- **Халк хужалиги сохалари (тармоклари) буйича**

- - саноат;
- - ижтимоий-маданий муассасалар;
- - кишлок хужалиги корхоналари;
- - омборлар, базалар, дуконлар;
- - яшаш уйлари;
- - янги курилаётган иншоотлар;

- Моддий зарар микдори буйича
- - Унчалик катта булмаган зарар;
- - Анча микдордаги зарар;
- - Катта зарар;
- - Ута йирик зарар.

- **Кишлок жойларда ёнгинларни учиришни ташкил этиш**
- • Куч ва воситаларни жалб этиш режасини тузиш
- • Хокимият томонидан тасдикдаш
- • Мавжуд техникаларни хисобга олиш,
- • Хабарлаш йулининг аник килиб белгилаш,
- • Ут учиришнинг якка рахбариятини ташкил этиш,
- • Автоуловлар учун энг киска йулларни аниклаш х,амда ёнгинларни учириш учун захира сув хавзаларини ташкил этиш.
- • Ахолини ёнгин хакида хабарлаш тармогини юзага келтириш.
- Инспекция бошлиги томонидан аввал машинаси бор ташкилотлар аникланади.

- 1. УзР ВМ нинг 17.05.1993 й ≪Узбекистан Республикасида Давлат ёнгин назорати тугрисида≫ги 227-сонли Карори.
- 2. УзР ВМ нинг 29. 06. 1995 й ≪Кунгилли ёнгин учирувчилар дружинаси (КЁУД), Ёш ёнгин учирувчилар дружиналари (ЁЁУД), Ёнгин - техник комиссиялари (ЁТК) Низомларини тасдиклаш тугрисида≫ги 243-сонли Карори.
- 3. УзР ВМнинг 2001 йил 29 июн кунидаги ≪Узбекистан Республикаси ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тугрисида≫ ги 267-44 сонли Карори.
- 4. Давлат ёнгин назорати фаолиятини ташкиллаштириш кулланмаси. УзР ИИВ нинг 22. 09. 1993 йил 344- сонли буйруги.
- 5. Савельев П. С. Халк хужалиги масканларида ёнгинларни олдини олиш
- ишларини ташкиллаштириш. - М .: Стройиздат, 1985,360 с.
- 6. Сборники правил пожарной безопасности.
- 7. Действующие строительные нормы и правила.
- 8. Авдеев Г. Методика определения ущерба нанесенного пожарами. - Т. ВПТШ МВД УзР, 1992.